ЎЗБЕК ФОНОЛОГИЯСИ ВА ФОНЕТИКАСИНИНГ РИВОЖИДА Ф.АБДУЛЛАЕВНИНГ ХИЗМАТЛАРИ (*олим таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан*)

А.Нурмонов

Мақолада ўзбек тилшунослигининг алоҳида бўлими сифатида ўзбек фонологияси ва фонетикасининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ёритилган.Шунингдек, профессор Ф.Абдуллаев илмий тадқиқотларининг мазкур соҳа ривожидаги хизматлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: *фонема, фонема варианти, фонология, фонетика, конвергенция, дивергенция, чўзиқлик, жаранглиланиш, дифференциал белги.*

В статье освещаются этапы становления и развития узбекской фонетики и фонологии как самостоятельный раздел узбекского языкознания. Раскрывается значение научных трудов проф. Ф.Абдуллаева в развитии данной отрасли лингвистики.

Ключевые слова: *фонема, вариант фонемы, фонология, фонетика, конвергенция, дивергенция, долгота, озвончение, дифференциальный признак.*

Present articledescribes the stages of formation and development of Uzbek phonology and phonetics as an independent component of Uzbek linguistics. The importance of the contribution to this branch of science made by professor F.Abdullayev in the development of this field has been stressed.

Key words: *phoneme, phoneme variant, phonology, phonetics, convergence, divergence, length, voicing, differential sign.*

Ўзбек фонологиясининг илдизлари XII асрга бориб тақалади. Хусусан, Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек тилининг ўзига хос унли фонемалар тизимини товушларнинг маъно фарқлаш (дистинктив) функциясига кўра белгилаб берган эди.

Алишер Навоий томонидан икки тил муқоясасида бир-биридан фарқли жиҳатларини очиб бериш учун қўлланилган оппозитив метод кейинчалик бошқалар томонидан ривожлантирилмади. Чунки тилшунослик бу даврда фан сифатида филология бағридан ажралиб чиқмади.

Алишер Навоийнинг бадиий даҳоси туфайли XV асрда тараққиёт чўққисига кўтарилган ва катта обрў-эътибор қозонган тил бошқа туркийзабон адиблар учун эталон тил бўлиб қолди. Кейинги авлодга мансуб шоирларнинг унинг асарларига назиралар бағишлаши, тил услубига эргашиши натижасида ўзбек мумтоз адабий тили майдонга келди. Бу адабий тил халқ сўзлашув тилидан анчайин узилган, шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси учун тушунарсиз эди. Бу тилни тушуниш учун маълум тайёргарликка эга бўлиш, мактабларда сабоқ олган бўлиш керак эди.

Бу давр тили ҳақида Ашурали Зоҳирий қуйидагиларни ёзади: “*... жонли тилнинг ҳам ўзига махсус қимматли асарлари бордурким, уларнинг барчаси халқ адабиёти дейилур, халқ адабиёти – адабиёт ва илмий тилнинг асосидур. Асл табиий тил – сўзлашадурғон тил, халқ тилидур.*

Ҳақиқат шундоқ бўлгани ҳолда, XV асрдан инқилобгача бўлган даврда халқнинг сўзлашадурғон тили адиблар томонидан қўпол тил, кўча тили саналиб, адабий тилни унга яқинлаштириш – камчилик, халқ тилида ёзишлик – қўполлик деб эътиқод этилган. Арабча, форсча луғатларни тиқиштириш билан қаноатланмасдан, ҳатто тақрибларни ҳам арабча, форсча қилғонлар.

Демак, араб, форс тиллари наҳвий ёқдан ҳам тилимизга таъсир қилғон. Шунинг учун чиғатой (ўзбек) адабиёти усмоний адабиёти сингари халқдан узоқлаша бошлағон, оддий халқ уни англай олмағон. Уни бари ўқумишли, зиёли синф англай оладурғон бўлғон” (“Адабий тил”).

Ана шундай шароитда халқнинг ижтимоий фаоллигини, таълим самарадорлигини ошириш учун адабий тилни халқ тилига яқинлаштириш муаммоси кўндаланг турар эди. Бу муаммони ижобий ҳал қилиш учун халқ тилини, жонли ўзбек шеваларини, халқ адабиётини ўрганиш лозим эди. Жонли ўзбек шеваларини ўрганиш эса ўша давр учун ўта муҳим бўлган ўзбек алифбоси ечимига ҳам имконият яратар эди.

Демак, ўзбек шеваларини ўрганиш ўша давр учун муҳим бўлган икки муаммони ҳал қилиш учун йўл очар эди: 1) ўзбек алифбоси муаммоси; 2) халқ тилига яқинлаштирилган адабий тил учун орфоэпик, орфографик, лексик, грамматик меъёрларни белгилаш.

Ҳар икки масаланинг ечими ҳам ўзбек шеваларини ўрганиш билан боғлиқ эди.

Ўзбек тилининг ўзига хос фонетик тизимига мос алифбо яратиш ҳаракати туфайли XX асрнинг бошларида ўзбек тилининг фонологияси ва фонетикаси тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида шакллана бошлади. Унинг шаклланишида машҳур рус тилшуноси Е.Д.Поливанов ва унинг шогирди В.В.Решетовнинг хизматлари катта бўлди.

Хусусан, Е.Д.Поливанов “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1922 йил 1-сонида эълон қилинган “Тошкент диалекти товуш таркиби” мақоласида товушларнинг дистинктив функциясига таянган ҳолда Тошкент диалектида олти унли ва 22 та ундош фонема мавжудлигини баён қилади.

Қадимги турк ва эски ўзбек тилида қатор белгисига кўра зидланган у-ў, о-ӧ унлиларининг бир қатор ўзбек шеваларида, жумладан, Тошкент шаҳар диалектида зидланиш белгисини йўқотганлиги, бу эса туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусияти бўлган сингармонизмнинг ўзбек шаҳар шеваларида кучсизланиши ва йўқолишига олиб келганлигини таъкидлайди.

Бунга ўзбек тили унлилар тизимида рўй берган *конвергенция* (унлиларнинг қатор белгисига кўра зидланиш белгисининг йўқолиши, у-ў, о-ӧ унлилари ўртасидаги зидланишнинг йўқолиб, оралиқ у ва о унлиларининг пайдо бўлиши) ва *дивергенция* (бир унли негизида олд қатор, кенг ә унлиси бағридан ўрта кенг э унлисининг; орқа қатор кенг а унлиси бағридан орқа қатор о унлисининг ажралиб чиқиши) ҳодисалари сабаб бўлганини баён қилади.

1953 йилда В.Решетов ва Ш.Шоабдураҳмоновнинг “Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар” рисоласи нашр этилди.

Бу рисоланинг нашр қилиниши ўзбек фонологияси ва фонетикасининг шаклланиши учун илк қадам бўлди. Фонема билан товуш тушунчалари бир-биридан фарқланди. Унли фонемалар учта дифференциал белгиларнинг: 1) тилнинг горизонтал ҳаракати; 2) тилнинг вертикал ҳаракати; 3) лабнинг иштироки белгиларининг мажмуаси сифатида; ундош фонемалар ҳам учта дифференциал белгининг: 1) пайдо бўлиш ўрни; 2) пайдо бўлиш усули; 3) товуш пайчаларининг иштироки белгилари мажмуаси сифатида эътироф этилди ва ўзбек ҳамда рус тилларидаги фонемалар ана шу белгиларига кўра таснифланди.

Шундай бўлишига қарамасдан, бу асар ўзбек тилининг фонологияси ва фонетикасидан чуқур маълумот берадиган монографик тадқиқот даражасига кўтарилмаган эди. Ўзбек шеваларидаги ўзбек адабий тилининг фонологик тизими қайси шеваларга таянмоғи лозимлигини аниқлаш учун фонема ва унинг вариантлари муносабатини ёритиш, фонемаларни аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал қилиб берадиган монографик тадқиқотга эҳтиёж катта эди.

Ана шундай эҳтиёж билан В.Решетовнинг монографияси дунёга келди [1].

Бу китоб ўзбек адабий тили ва халқ шевалари фонологик тизимини ҳамда унинг нутқий жараёнда турли вариантлар орқали воқеланишини тадқиқ этувчи илк фундаментал монографик тадқиқотдир.

Орадан икки йил ўтгач, Ф.Абдуллаев “Хоразм шевалари фонетикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертациянинг кириш ва асосий қисмини 1967 йилда нашр этди [2].

Ф.Абдуллаев Хоразм шеваларини, энг аввало, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига тасниф қилади ва ҳар икки лаҳжанинг фонологик системаси ва ҳар бир фонеманинг нутқий қуршовдаги воқеланишини кўрсатиб беради.

Фонемаларни унли ва ундошларга ажратган ҳолда, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида бобларда батафсил изоҳланади.

Ўғуз шеваларида унлиларнинг чўзиқ-қисқалик, қаттиқлик-юмшоқлик; қипчоқ шеваларида қаттиқлик-юмшоқлик белгиси фонологик муҳим белгилар экани, шунинг учун бу шеваларда 9-10 аъзоли вокал система мавжуд экани ишонарли далиллар билан исботлаб берилади.

Муаллифнинг унлилар чўзиқлиги, унинг келиб чиқиши, нутқ жараёнида унли фонемаларнинг вариантланиши, вариантланишга олиб келадиган фонетик ҳодисалар, сингармонизм ҳақидаги фикрлари фақат ўзбек тилшунослиги учунгина эмас, туркийшунослик учун ҳам катта воқеа бўлди.

Олим туркий тилларда унлилар чўзиқлигини генетик нуқтаи назардан бирламчи ва иккиламчи турларга бўлган ҳолда ҳар иккисининг келиб чиқиш сабаблари, сўзларнинг фонетик тузилишида амал қилиш ўринлари ҳақида фикр юритади.

Муаллифнинг кузатишича, унлиларнинг чўзиқлик белгисининг фонологик вазифа бажариши ёқут, туркман; қисман, қирғиз ва тува тилларига, Хоразмдаги ўзбек шевалари, шунингдек, Жанубий Қозоғистондаги Икон, Ибот ва Қорабулоқ ўзбек шеваларида учрайди.

Унлиларнинг бирламчи чўзиқлиги сўзларнинг қайси бўғинларида фарқловчи белги вазифасини бажаришига кўра туркий тиллар бир хил эмаслиги, ёқут ва туркман тилларида сўз асосларига-

гина эмас, балки сўз ясовчи қўшимчаларга ҳам хослиги, Хоразм ўғуз шеваларида эса бундай унлининг сўз асосларигагина дахлдор эканлиги, сўз асосларида ҳам кўпроқ биринчи бўғинда учраши, грамматик шаклларда умуман учрамаслиги баён қилинади.

Ўғуз шевалари материаллари таҳлили ва бу материалларни бошқа туркий тилларга қиёслаш натижасида муаллиф шундай хулосага келади: унлиларнинг чўзиқлик ва қисқалик белгисига кўра зидланиши асосан сўз ва грамматик шаклар маъноларини фарқлаш, баъзи ҳолларда сўз ўзаги бўлган биринчи бўғин вокализмини мустаҳкамлаш, ўзгаришдан сақлаш тенденцияси натижасида пайдо бўлган. Туркий тилларда чўзиқ унлиларга бағишланган бир қанча туркийшуносларнинг асарлари бўлса-да, лекин чўзиқлик генезиси ҳақида бундай фикр шу давргача айтилмаган эди. Демак, чўзиқ унлилар генезиси ҳақидаги фикр Ф.Абдуллаевнинг туркийшуносликка қўшган ҳиссаси эди.

Ф.Абдуллаев чўзиқ-қисқалик белгисига кўра зидланган сўзларнинг туркумлараро фарқланишини ҳам кўрсатиб беради. Хусусан:

1) зидланувчи аъзоларнинг ҳар қайсиси от туркумига мансуб экани: сан “оёқнинг тепа қисми” – *са:н* “миқдор”; *тар* “илгак” – *та:р* “музика асбоби тори”, *ой* “пастлик” – *о:й* “хаёл” ва бошқалар.

2) зидланувчи аъзоларнинг қисқа унлилик аъзоси феъл-чўзиқ унли аъзоси исм: *ал* “олмоқ” – *а:л* “қизил”, *дал* “чарчамоқ” – *да:л* “тол”, *тут* “ушламоқ” – *ту:т* “дарахт”, *йан* “ёнмоқ” – *йа:н* “ёнбош”;

3) зидланувчи аъзоларнинг қисқа унлилик аъзоси сифат – чўзиқ унлилик аъзоси от: *гёк* “мовий” – *гё:к* “осмон”; *қара* “қора ранг” – *қа:ра* “соя”, *ала* “ола ранг” – *а:ла* “тозаланмаган гуруч” ва бошқалар.

Муаллиф нутқ оқимида ёндош товушлар таъсирида унли фонемалар турли ўзгаришларга учраб, хилма-хил вариантлар орқали воқеланишини очиб беради. Бу билан фонема ва унинг вариантлари ҳақидаги фонологик назарияда мавжуд бўлган назарий концепцияни ўзбек шевалари мисолида ривожлантиради.

Фонема вариантларининг ҳосил бўлишига олиб келадиган фонетик ҳодисалар: 1) палатализация, 2) лабиализация, 3) делабиализация 4) редукция ва унлининг тушиши, 5) унлиларнинг орттирилиши, 6) сингармонизм ҳодисалари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Тўғри, бу фонетик ҳодисалар ҳақида В.В.Решетов томонидан унли фонемаларнинг оттенкаларини (фонема варианти атамаси ўрнида у фонема оттенкаси атамасини қўллайди) ёритиш жараёнида маълум даражада фикр юритилган бўлса ҳам, лекин бу ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари атрофлича ёритилмаган эди. Ф.Абдуллаев Хоразм ўғуз ва қипчоқ шевалари материаллари асосида бу ҳодисаларнинг юзага чиқиш сабабларини очиб беради.

Олимнинг фонемаларга дифференциал белгилар мажмуаси сифатида ёндашиши ундошларга нисбатан ҳам давом этади ва у Хоразм шеваларида 22 та ундош маъно фарқлаш функциясини бажаришини қайд этади.

Муаллиф нутқ оқимида ундош фонемаларнинг бошқа фонемалар билан синтагматик муносабатга киришганида талаффуз қулайлигига интилиш тенденцияси туфайли ундошларнинг турли ўзгаришларга учраши, ундошлар алмашинуви, жарангсизланиш, спирантизация (сирғалиш), ундошлар орттирилиши, ундошлар иккиланиши (геминация), ассимиляция, диссимиляция, метатеза, ундошлар мослиги сингари ҳодисалар ҳақида Хоразм шевалари материаллари асосида чуқур маълумот беради.

Айниқса, олимнинг ундошларнинг иккиланиши (геминация) ҳақидаги фикрлари туркийшунослар эътиборига сазовор бўлди. У ундошлар иккиланишининг уч турини ажратади: биринчи тур – морфемалар қўшилувида биринчи морфеманинг охирги ундоши билан иккинчи морфеманинг бошидаги ундош бир хил бўлиб қолиши: *гулла, зўрроқ* каби; иккинчи тур – бу ҳам морфемалар оралиғида рўй бериб, биринчи морфеманинг охирги ундоши билан иккинчи морфема бошидаги ундошнинг ўзаро таъсири, яъни ассимиляция ёки диссимиляция ҳодисаси туфайли икки ундошнинг бир хил бўлиб қолиши: *бизни* сўзининг *биззи*, *гапни* сўзининг *гаппи* тарзида талаффуз қилиниши; учинчи тур – этимологик битта ундошнинг иккиланиши, чўзиқ талаффуз қилиниши: қадимги *аки, сакиз, тўқуз* сўзларининг *икки, саккиз, тўққиз* тарзида талаффуз қилиниши.

Ф.Абдуллаевнинг ундошлар иккиланишининг учинчи тури (геминация) ҳақидаги мулоҳазалари айниқса қимматлидир. Чунки туркийшуносликда геминациянинг пайдо бўлишини асослаш ўша давр учун энг муаммоли масалалардан бири эди [3. 261-264].

Муаллифнинг таъкидлашича, геминация қадимги турк ёзувлари ёдгорликларида учрамайди. Шунингдек, бу ҳодиса ҳозирги туркман, ойрот, қозоқ, сариқ уйғур тилларида ҳам кузатилмайди. Бошқирд ва қорақалпоқ тилларида қисман мавжуд. Ўзбек ва уйғур тилларида эса кенг тарқалган.

Геминация ҳодисаси ўзбек адабий тили ва халқ шеваларида кенг тарқалганлиги учун унинг пайдо бўлиши масаласи Ф.Абдуллаевга қадар бошқа олимларнинг ҳам диққатини жалб этган эди. Хусусан, А.Ғуломов унлиларнинг чўзилиши, эмфатик урғу билан геминация ҳодисаси ўртасида умумийлик борлиги, уларнинг барчаси маънони кучайтириш, экспрессивликни ошириш вазифаси билан боғланишини, геминаталар кейинчалик экспрессия ифодаловчи сўзлардан бошқа сўзларга ҳам тарқалганини баён қилган эди [4.122].

Ф.Абдуллаев бу фикрга танқидий ёндашган ҳолда, ўзбек тили ва халқ шеваларида геминаталар, асосан, сўзларнинг биринчи ва иккинчи бўғини ўртасида учраши, шунинг учун ҳам улар биринчи бўғин фонетик таркибини мустаҳкамлаш ҳаракати туфайли майдонга келганини таъкидлайди [2.132].

Ф.Абдуллаев Хоразмдаги қипчоқ ва ўзбек шеваларида сўзларнинг бошланиши, ўртаси ва охиридаги фонетик қонуниятлар ҳақида баҳс юритар экан, бу икки шевалардаги сўзларнинг фонетик тузилишидаги мосликни бошқа туркий тилларга қиёслаган ҳолда оригинал фикрлар билдирадики, бу фикрлар туркийшунослик учун ҳам ундошлар эволюциясини тушунтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан сўз бошида *п-б, ф-в; т-д; г-к* сингари фонетик мосликлар (пуз-буз “муз”, тағ-дағ, кўз-гўз каби)дан хронологик нуқтаи назардан қайси бири қадимий деган муаммо азалдан туркийшунослар диққатини тортиб келади. В.В.Радлов “Қутадғу билиг” асари бўйича сўз боши ва охирида қадимда жарангсиз ундошлар бўлганини айтган ва бу фикрни Н.А.Баскаков бошқа туркий тил материаллари асосида тасдиқлаган эди [5.24].

Ф.Абдуллаев этимологик жарангсиз ундошларнинг сўз боши ва охирида жаранглилашиши ҳақидаги туркийшунослар фикрларини маъқуллаган ҳолда, сўзларнинг фонетик тузилишидаги бу мослик сўз вариантларини ҳосил қилишга хизмат этиши, бундай ҳолатларда ундошларнинг жарангли-жарангсизлик белгисига кўра зидланишнинг нейтраллашишига олиб келиши бўйича Хоразм шеваларидан қатор далиллар келтирадики, бу далиллар В.Радлов, Г.Рамстедт, Н.А.Баскаков сингари олимларнинг туркий тиллардаги фонетик мослик эволюцияси ҳақидаги фикрларини яна бир бор тасдиқлади.

Шундай қилиб, Ф.Абдуллаев “Фонетика хорезмских говоров” асарида фақат Хоразм шевалари материаллрининг ўзи билан чегараланиб қолмади. Хоразмдаги қипчоқ ва ўғуз шевалари материалларини бир-бирига қиёсан ўрганиш билан бирга, бошқа туркий тиллар фактларига ҳам қиёслаган ҳолда чуқур умумлашмалар қила олди. У тўплаган фактик материаллар ва чиқарган назарий умумлашмалар фақат ўзбек фонологияси ва фонетикаси учунгина эмас, балки бутун туркийшуносликнинг ривожи учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Адабиётлар:

1. Решетов В.В. Узбекский язык. Часть I. Введение. Фонетика.- Т.,1959.

2. Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров.- Т., 1967.

3. Дмитриев Н.К. Двойные согласные в тюркских языках. // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I.- М., 1955.

4. Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования в узбекском языке. Докт. дисс.- Т., 1955.

5. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык.- М., 1952.

Андижон давлат университети,
2014 йил 5 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Саидхонов)